

Туркистон мухторияти... Темур хоконининг чин болалари ёнинда, туркистоннинг тубчак турклари орасинда, мундан ўгурли[1], мундан мукаддас, мундан суюнчли бир сўзни борлигига ишонмайман.

Туркистон туркининг конини кайнатгучи, имонини юксалтгучи бир кувват бор эса, ёлгуз шу сўзда бордир: Туркистон мухторияти.

Элли(к) йилдан бери эзилдик, тахкир этилдик, кўлимиз бодланди, тилимиз кесилди, оғзимиз копланди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурулди, номусимиз гасб киянди, хукукимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёклар остига олинди, тўзимли турдик, сабр этдик.

Кучга таянган хар буйругга бўйинсундик, бутун борлигимизни кўлдан бердик. Ёлгиз бир фикрни бермадик, яшрун турдик, эмгакларимизга ўраб сакладик: Туркистон мухторияти!

Махкама эшиклиридан йиглаб кайтганда, ёруксиз турмаларда ётганда, йиртгучи жандармнинг тепгуси билан йикилганда, юртларимиз ёндурулганда, диндошларимиз осилганда онгимиз йўколди, миямиз бузилди, кўзимиз ёѓдусиз колди, бирор нарсани кўролмадик. Шул чогда, тушкун рухимизни кўтармак учун шул коп-коронгу дунёнинг узок бир еринда ойдин бир юлдуз ялкиллаб тура(р) эди. Бирор нарсага ўтмаган кўзимиз шуни кўрар эди. Ул нима эди? Туркистон мухторияти!

Биз аник била(р) эдикким, золим Николай хукумати канча яшарса яшасун, адолат ошики бўлган... рус демократияси, хакга таянган бир инкилоб, хар миллатнинг ўз хакларини кайтарур.

Инкилоб бўлди. Русиянинг «кўшма халк жумхурияти» усули билан[2] идора этилури жарланди. Шул эълон узра ясалган Украина, татар ва бошка миллатлар мухториятлари тасдик этилди. Кўнук[3] Туркистонники эди. Туркистоннинг тарихий хонбаликлариндан иккинчиси бўлган Хўканд шахринда тўпланган Туркистон курултойи 27 нўйабрнинг «миллий лайлатуркадримиз бўлган» ярим кечасинда Туркистон мухториятини эълон килди.

Лекин шуниси борким, бир миллатнинг мухторияти ёлгуз бир съезднинг эълони билан тамом бўлмас. Мухториятни олмок ва сакламок керакдир. Съезд ўз ишини килди. Колганлари бутун миллатнинг вазифасидир. Мухториятни сакламок учун куч лозим. Мухториятни бажармок учун акча керакдир. Буларни миллат хозир килсун.

(«Хуррият», 1917 йил, 5 декабр).

Макола «Фан ва турмуш»нинг 1990 йил, 10-сонида (30—31-бетлар) кайта нашр килинган нашрга тайёрловчи Ш. Турдиев).

[1] ўгурли — хайбатли, буюк.

Муаллиф:

13.03.2014 23:53 -

---

[2] «кўшма халк жумхурияти» усули — Русиянинг федерация асосидаги бошқарилуви назарда тутилади. Дастрраб, бошка республикалар иттифоқдош жумхуриятлар бўлиб эмас, балки Русия худудидаги муҳтор (автоном) жумхуриятлар бўлиб бирлашганлар.

[3] кўнук — навбат, гал.